

## ХШ. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Андижон вилояти 1941 йилда ташкил топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги ҳисобланади.

Андижон вилояти Ўзбекистон Республикасининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Фарғона вилояти билан (101,2 км), Наманган вилояти билан (106,6 км) ва Қирғизистон Республикаси билан (409,3 км) чегарадош. Майдони 4,3 минг кв. км. Чегара узунлиги 617,1 км.

Андижон вилояти маъмурий ҳудудий таркиби бўйича 2 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва 14 та туманга бўлинган, аҳоли зичлиги 1 кв. км. га 738 кишига тўғри келади.

Маъмурий маркази - Андижон шаҳри бўлиб, аҳолиси 447,8 минг киши.



Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3 172,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 44,4 минг кишига ёки 1,4 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 1 657,6 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 52,3 %), қишлоқ аҳолиси сони 1 514,5 минг кишини (47,7 %) ташкил этади.

### Андижон вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши



**Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жами  
аҳолига нисбатан улуши, %да**



● Шаҳар ● Қишлоқ

**Эркаклар ва аёлларнинг жами  
аҳолига нисбатан улуши, %да**




● Аёллар ● Эркаклар

**Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича доимий аҳоли сони  
тўғрисида маълумот  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)**

	Доимий аҳоли сони, минг киши				
	Жами (минг)	шу жумладан:		шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ	эркаклар	аёллар
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3 172,1</b>	<b>1 657,6</b>	<b>1 514,5</b>	<b>1 606,4</b>	<b>1 565,7</b>
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон	447,8	447,8	-	225,3	222,5
Ҳонобод	43,0	36,1	6,9	21,5	21,5
<i>туманлар:</i>					
Андижон	265,8	203,8	62,0	132,8	133,0
Асака	330,9	101,1	229,8	167,3	163,6
Балиқчи	202,1	68,4	133,7	103,1	99,0
Бўстон	72,7	25,5	47,2	36,8	35,9
Булоқбоши	143,7	69,7	74,0	73,2	70,5
Жалақудуқ	187,1	78,3	108,8	95,3	91,8
Избоскан	239,9	77,3	162,6	122,0	117,9
Улуғнор	60,2	6,2	54,0	30,0	30,2
Марҳамат	174,3	137,6	36,7	88,8	85,5
Олтинкўл	179,6	94,5	85,1	90,8	88,8
Пахтаобод	194,4	71,2	123,2	98,8	95,6
Хўжаобод	111,1	46,8	64,3	56,8	54,3
Шаҳрихон	302,0	100,3	201,7	154,2	147,8
Қўрғонтепа	217,5	93,0	124,5	109,7	107,8

**Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига, минг киши дастлабки маълумот)



**Шаҳар ва туманлар кесимида доимий аҳоли сони ва ўсиш суръати**

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига (киши)	2020 йил 1 октябрь ҳолатига (киши)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3 110 116</b>	<b>3 172 116</b>	<b>102,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	439 428	447 744	101,9
Хонобод	42 279	42 986	101,7
<i>туманлар:</i>			
Андижон	260 320	265 806	102,1
Асака	323 817	330 922	102,2
Балиқчи	198 204	202 076	102,0
Бўстон	71 288	72 735	102,0
Булоқбоши	141 053	143 721	101,9
Жалақудук	184 041	187 109	101,7
Избоскан	234 932	239 937	102,1
Улуғнор	59 000	60 183	102,0
Марҳамат	171 186	174 282	101,8
Олтинқўл	175 564	179 556	102,3
Пахтаобод	190 512	194 442	102,1
Хўжаобод	108 864	111 083	102,0
Шахрихон	295 826	302 021	102,1
Қўрғонтёпа	213 802	217 513	101,7

**Вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати**  
(январь-сентябрь ҳолатига)

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2019 йил	2020 йил	ўсиш, камайиш, +,-	2019 йил	2020 йил
Туғилганлар	55 469	59 629	4 160	24,0	25,3
Никоҳлар	17 267	17 004	-263	7,5	7,2
Ажралишлар	2 729	2 271	-458	1,2	1,0
Кўчиб келганлар	5 197	3 768	-1 429	2,2	1,6
Кўчиб кетганлар	6 703	7 276	573	2,9	3,1

**Туғилиш.** 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида туғилганлар сони 59 629 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (55 469 киши) нисбатан 4 160 тага кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 25,3 промиллени ташкил қилди ва аввалги йилга нисбатан 1,3 промиллега ортди.

**Вилоят бўйича тирик туғилганлар сони ҳамда коэффициенти**  
2020 йил январь-сентябрь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)

*Тирик туғилганлар сони, киши*

*Туғилиш коэффициенти*  
(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



**Туғилганлар сонининг жинси ва туғилган жойи бўйича тақсимланиши**  
2020 йил январь-сентябрь ҳолатига, киши

	Жами	Жинси бўйича		Жойи бўйича	
		ўғил болалар	қиз болалар	шаҳар	қишлоқ
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>59 629</b>	<b>30 335</b>	<b>29 294</b>	<b>31 427</b>	<b>28 202</b>
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон ш.	8 660	4 461	4 199	8 660	-
Хонобод ш.	591	312	279	591	-
<i>туманлар:</i>					
Андижон	5 231	2 697	2 534	3 557	1 674
Асака	6 445	3 204	3 241	2 782	3 663
Балиқчи	3 844	1 969	1 875	920	2 924
Бўстон	1 354	689	665	567	787
Булоқбоши	2 438	1 236	1 202	820	1 618
Жалақудуқ	3 373	1 682	1 691	1 432	1 941
Избоскан	4 573	2 325	2 248	1 813	2 760
Улуғнор	1 107	558	549	107	1 000
Марҳамат	3 160	1 585	1 575	2 388	772
Олтинкўл	3 531	1 860	1 671	1 741	1 790
Пахтаобод	3 675	1 827	1 848	1 270	2 405
Хўжаобод	2 135	1 072	1 063	1 155	980
Шаҳрихон	5 794	2 938	2 856	2 032	3 762
Қўрғонтепа	3 718	1 920	1 798	1 592	2 126

2020 йил январь-сентябрь даврида тирик туғилганлар сонидан ўғил болалар сони 30 335 нафарни ёки жамидан 50,9 % ни ташкил этди. Мос равишда қиз болалар сони 29 294 нафар ёки жамидан 49,1 % ни ташкил этди. Шаҳар жойда туғилганлар сони 31 427 нафарни (жамидан 52,7 %) ташкил этди, қишлоқ жойларда туғилганлар сони эса 28 202 нафарни (жамидан 47,3 %) ташкил этди.


**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2020 йилнинг январь – сентябрь ойларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар қайд этилди. Жами тузилган никоҳлар сони 17 004 та (ўтган йилнинг мос даврида 17 267 та), ажримлар сони 2 271 та (ўтган йилда 2 729 та)га тенг бўлди. Қайд этилган никоҳ кўрсаткичи 1 000 аҳолига нисбатан 7,2 промиллени (2019 йилнинг тегишли даврида 7,5 промилле) ва ажрим кўрсаткичи 1,0 промиллени (2019 йилнинг тегишли даврида 1,2 промилле) ташкил этди.

**Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**  
(январь-сентябрь ойларида)

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>17 267</b>	<b>17 004</b>	<b>2 729</b>	<b>2 271</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон ш.	2 824	2 508	448	369
Хонобод ш.	171	183	52	43
<i>туманлар:</i>				
Андижон	1 567	1 533	230	224
Асака	1 640	1 792	318	272
Балиқчи	1 057	1 026	109	94
Бўстон	325	356	48	50
Булоқбоши	774	674	143	111
Жалақудуқ	1 077	935	140	140
Избоскан	1 315	1 382	240	161
Улуғнор	276	269	41	31
Марҳамат	886	963	172	133
Олтинқўл	934	1 059	139	100
Пахтабод	1072	1 034	174	127
Хўжабод	672	600	101	90
Шаҳрихон	1 463	1 611	168	182
Қўрғонтепа	1 214	1 079	206	144

**Вилоят бўйича тузилган никоҳлар сони ва никоҳлар коэффиценти**  
2020 йил январь-сентябрь ҳолатига (ҳар 1000 аҳолига нисбатан промилле)




Никоҳ тузиш коэффицентининг аввалги йилга нисбатан сезиларли ўсиши Олтинқўл (0,7 промиллега), Шаҳрихон (0,5 промиллега), Асака ва Бўстон (0,5 промиллега) туманларида кузатилди. Аксинча, сезиларли камайиш ҳолати Жалақудук тумани (1,2 промиллега), Андижон шаҳри (1,1 промиллега) ва Булоқбоши туманларида (1,1 промиллега) кузатилди.




Ажрим коэффицентида ҳеч қайси туманда ўсиш бўлмади, Шаҳрихон, Бўстон, Жалақудук туманларида кўрсаткич барқарор қолган бўлса, қолган туман ва шаҳарларда пасайиш кузатилди. Айниқса энг сезиларли пасайиш Избоскан туманида (аввалги йилга нисбатан 0,5 промиллега камайган) кузатилди.

### Ҳудудлар бўйича никоҳдан ажралишлар сони (2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида, бирлик)



### Вилоят бўйича никоҳдан ажралишлар коэффиценти 2020 йил январь-сентябрь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)







**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3 768 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7 276 кишини ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 3 508 кишини ташкил этган, 2019 йилнинг мос даврида минус 1 506 киши бўлган.



### Аҳолининг миграция кўрсаткичлари (январь-сентябрь ойларида)

(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>5 197</b>	<b>3 768</b>	<b>6 703</b>	<b>7 276</b>	<b>-1 506</b>	<b>-3 508</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Андижон	1 177	994	1 595	1 652	-418	-658
Хонобод	192	126	89	102	103	24
<i>туманлар:</i>						
Андижон	1 043	621	662	860	381	-239
Асака	288	246	394	335	-106	-89
Балиқчи	201	278	350	586	-149	-308
Бўстон	102	98	161	119	-59	-21
Булоқбоши	102	126	245	231	-143	-105
Жалақудук	50	59	476	442	-426	-383
Избоскан	424	253	346	425	78	-172
Улуғнор	76	110	131	137	-55	-27
Марҳамат	118	35	301	385	-183	-350
Олтинкўл	363	377	415	350	-52	27
Пахтаобод	44	78	316	368	-272	-290
Хўжаобод	416	148	329	274	87	-126
Шаҳрихон	235	98	460	572	-225	-474
Қўрғонтепа	366	121	433	438	-67	-317